

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Навоий вилояти Педагогика  
коллекции директори**

**таилов комиссияси раиси**

**Д.Хамроевга**

**« 24 » 05 2022 йил**



Навоий вилояти Педагогика коллекции ётоқхона биносини жорий таъмирлаш  
ишлари обьекти бўйича

# **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

# **Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## **1.ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА**

### **I. Танлов предмети ва қиймати .**

1.1. Танлов предмети Навоий Педагогика коллекти ётоқхона биносини жорий тамирлаш ишларини бажариш

1.2. Танлов охирги қиймати 343 491 101 сўм (Уч юз қирқ уч миллион тўрт юз тўқсон бир минг бир юз бир сўм.) Ушбу қийматдан ортиқ маблағлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилади.

1.3. Бажариладиган

1.4. Ишларни бажариш муддати шартома имзоланган кунидан бошлаб 5 кун

1.5. Ишларни бошлаш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2 ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Навоий Педагогика Коллекти (бундан кейин Буюртмачи деб аталади) Танлов ташкилотчиси хисобланади.

2.2 Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов “Навоий Педагогика Коллекти томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда , белгиланган муддатларда ўтказилади

### **3 ТАНЛОВИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага ега бўлган барча юридик мақомга ега бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга кўйидаги малакавий талаблар кўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий ва ваколатлар;

Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги мальумотлар;

Танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50фоиздан кам бўлмаган холд):

Низом маблаги миқдори;

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка буноан лицензиялашибдилиши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсад етилади.

3.4 Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди. Қайта ташкил этилган (ажратилиши қўшилиши) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар , хамда муассислик келишув,

молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд.

#### **4 ТАНЛОВДВ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон куринишида ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрион танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифтлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар,маялумотлар”Буюртмачи”ва “Иштирокчи”ихтиёрига қура Ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

-Техник қисм “Буюртмачи”томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

-нархлар қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлик курсаткичлар кўрсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифтларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухир билан тасдикланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4.қуйидаги хужжатлар тулиқ холда булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифтлар:

-техник таклиф, фирмий бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

-техник хужжатлар рўйхати (брошюралар,техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

-нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниш лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маялумотларнинг хаққонийлигига тулиқ жавобгар булади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга

#### **5 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭЕИШ УЧУН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ**

5.1.Таклифлар муддатини узайтирилиши фактат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2.Танлов муддатиниузайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахбарот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Гўлиб иштиркчидеб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифтлар бериш муддати туғайдиган санадан камида уч кун шлдин қарор қабул қилишга хақли. Таварни ўзгартиришга йул қойилмайди. Бунда ушбу танловдв таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда,агар эълонда курсатилган ахбарот узгартирилган булса,танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга узгартиришлар киритиладио

7.2.Танлов иштирокчиси танлов хужжадлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса,ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларниг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахбарот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига хақли.Давлат буюртмачиси бундай сурʼов келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунишларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифлар кўрсатилган шартлар асосида тузилади